



Shigella Grant

АБДУЛЛА ОРИПОВ


ШОИР ЮРАГИ

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2003

Узбекистон Каҳрамони, Ҳалқ шоири Абдулла
Ориловнинг улибу тўпламидан асосан кейинги уч-тўрт
йилда ёзилган янги шеърлари ўрин оли. Атокли
шоирнинг буюк Истиқлолнинг хаётбахши
нечматларидан рух олган турфа маизулардаги гафаккур
дурлари ўқувчиларга манзур бўлади деб ўйлаймиз.

29193
MO 2/81
4702620204-12
0 M25/04/-03

©«Маънавият», 2003



10

ШОИР ЮРАГИ

Үтар бу күприкдан жамики жонзот,
Чумолидан тортиб филлар хам үтар.
Султонлар ўтади тох шод, тох ногшод,
Занжирларин судраб куллар хам үтар.

Элчиларга ўхшаб турфа замондан
Шалок аравалар, “мерс”лар ўтади.
Рўбарў келишиб икки томондан,
Бир-бирига тамом терслар ўтади.

Суйишганлар үтар суюб бир-бирин,
Бузувчилар үтар, үтар усталар.
Хушёrlар ўтади тежаб кўз киrin.
Ўтади эмаклаб пиёнисталар.

Ўтиб бораётir ана жуфт гурух,
Бири шўх, бировин кўзларида нам.
Етаклаб бормоқда бирини шукух,
Бошқа бировини етаклаган кам.

Олифталар үтар – гарib сийрати,
Ботирлар ўтади – қалбида ўтлар.
Бешиклар ўтади – дунё зийнати,
Ўтади лапанглаб, вазмин тобутлар.

Муттасил бу йўлда келади тўқнаш
Нур билан зулумот, ўлим ва ҳаёт.
Бу кўприк оламнинг ўзига ўхшаш,
Бир фарқи – соҳиби ихтиёрсиз зот.

Кўприк остидаги жўш урган дарё.
Сув эмас – ўтгандар тахир кўз ёши.
Хар нени кўтарган бир ўзи танҳо,
Бор на таъмирчиси, на бир юқдоши.

Бу кўприк, бу кўприк қуласа агар,
Не хислар қоларди сарсон-саргардон.
Гарчи қисматида бор қанча хатар,
Хар нечук барига у балогардон...

2000 йил, август

ЎЗБЕКИСТОН АСРИ

Етармизми юз йилликнинг охирига ҳам,
Кўярмизми Янги аср пойига қадам.

У кунларни кўриш бизга насиб этгайми,
Илтижомиз Яратганга бориб етгайми.

Кечагина яшардик шу хаёллар билан,
Иштибоҳу ўйлар билан, саволлар билан.

Афсус, бунга етолмади қанча инсонлар,
Қанча-қанча азиз зотлар, жаннати жонлар.

Рахмат килсин барчасини Аллохнинг ўзи,
Чақнадими, бир кун сўнгай умр юлдузи.

Ёзган экан тирикларнинг пепонасига,
Бизлар етдик Янги аср остонасига.

Шукроналар айтсак оздири бу инъом учун,
Шарафлайлик омад деган даҳонинг кучин.

Лекин ушибу остонаяга ким келди қандок?
Ўтган йўлинг нечук бўлса, аъмол ҳам андок.

Кимдир келди бу мэррага урушлар билан,
Талотўплар, бир-бирини суришлар билан.

Кўзда ёши дарё-дарё ҳалқлар келдилар,
Етим-есир, насибаси талхлар келдилар.

Шоҳлар келди, бойлар келди, гадолар келди,
Севишганлар – ишқ йўлида адолар келди.

Келди аср оғушига эртаси порлюқ,
Бешигида қиқир-қиқир кулган чакалок.

Лекин менинг толеимга ҳавас қил, олам,
Мен беназир бир хис билан ғолиб чиндан ҳам.

Неча асрий занжирларни ташладим узиб,
Ҳаким еган ёвуз кучлар кетдилар тўзиб.

Бош устимдан ўтди канча тўфон, қасирға,
Минг шукурки, озод етдим Янги асрға.

Ўзбекистон – она юртим, ота маконим,
Шу беноён жаҳон ичра тенгсиз жаҳоним.

Янги даврон кошонаси ўзинг бўлгайсан,
Иншооплоҳ, энди абад нурга тўлгайсан.

Ишончимнинг боиси бор баридан ортиқ,
Аллоҳ сенга буюк хислат айламиш тортиқ;

Меҳнат ҳам бор, шавкат ҳам бор, карвон ҳам
бордир.
Дунё ҳавас айлагулик Сарбон ҳам бордир.

Фотиҳага қўл оч энди, бут бўлсин каср,
Ўзбекистон асри бўлгай шаксиз бу аср!

2000 йил, январь

ЎЗБЕКМАН

Янги бир асрнинг остонаси бу,
Етиштим умримнинг қутлуг ёшига.
Тилимда шукронга, дилимда тулу,
Тарих саркотибин келдим қошига:

Мана, мен ўзбекман, қўлимда туғим
Ва барча аъмолим битилган китоб.
Шунинг ичидадир борим ва йўғим,
Шунинг ичидадир мен учун офтоб.

Ўзбекман, иншооллоҳ, иймоним бутун,
Тилим қисиқ, эмас башариятдан.
Кимгадир тенгдирман, кимдандир устун,
Зувалам корилган самимиятдан.

Ўзбекман, гоҳида иқболим кулиб,
Гоҳида ўзимдан чиккан офатим.
Дунёни олсам-да жаҳонгир бўлиб,
Гўдак йигисига йўқдир тоқатим.

Ўзбекман, қанчалик жафо чекмайин,
Ўзимга ҳақ, эдим, ўзимга ҳақман.
Яшадим ёвларга бўйин этмайин,
Бугун ўз эркига эришган халқман.

Истиклол, кетма юрт пешонасидан,
Толе, тарқ этмагин бизни илохим.
Мана, янги аср остонасидан
Ўтдим. Бисмиллоҳир Роҳмонир Роҳийм.

2000 йил, декабрь

БУЮК КИТОБ

Табиатнинг чархи мангу,
Бахору ёз кишилаётир,
Барчасидан инсон эзгу,
Буюк китоб ишилаётир.
Армон борми, орзу борми,
Халқим дилга эшилаётир,
Бизга аён дўстми – ёрми,
Буюк китоб ишилаётир.

Сайлов бўлди, сийлов бўлди,
Кимдир лабин тишилаётир,
Лекин элнинг кўнгли тўлди,
Буюк китоб ишилаётир.
Ватан, сени қанча эллар
Орзу этиб тушлаётир,
Илло баҳтли бўлсин улар,
Буюк китоб ишилаётир.

Ха, бу китоб ишлар мангу,
Чунки ҳақни пешлаётир,
Мисли Темур “тузуги” бу,
Буюк китоб ишилаётир.
Кўксин кериб яйловларда
Аргумоқлар кишинаётир,
Уч жилолик яловларда
Буюк китоб ишилаётир.

Ислом оға, кўлингизни
Халқим яна ушлаётир,
Аллоҳ берсин йўлингизни,
Буюк китоб ишлаётир.
Озод юртнинг метин сафин
Жумла жаҳон хушлаётир,
Кутлаб сиздек муаллифин,
Буюк китоб ишлаётир.

2000 йил, февраль

БИР ҚАРАСАМ...

Бир карасам, дўсту ёрдан кўнглим тўқдай,
Бир карасам, атрофимда ҳеч ким йўқдай.

Бир карасам, суюнчикдай болаларим,
Бир карасам, улар синик лолаларим.

Бир карасам, бу дунёда баҳтим бордай,
Бир карасам, буткул олам менга тордай.

Бир карасам, муродимга етгандайман,
Бир карасам, кўзим очик кетгандайман.

Бир карасам, шон-шуҳратга йўғрилганман,
Бир карасам, эндиғина тутғилганман.

1998 йил, август

* * *

Дедилар: –Чакнаган қайси юрт эрур,
Буюк Сохибкирон сочган зиёдан.
Жавоб бердиларки: –Хеч сүнмас бу нур
Таралган энг аввал Қашқадарёдан.
Дедилар: – Қайси эл бедор доимо,
Завқ олар меҳнатдан, сулув дунёдан.
Жавоб бердиларки: – Шоир, уламо,
Санъаткорлар чикқан Қашқадарёдан.
Дедилар: – Жаҳонга буюк юртбоши
Парвоз айлаганди қайси маъводан.
Жавоб бердиларки: – Ҳурлик күёни
Балқанди даставвал Қашқадарёдан.
Даставвал, даставвал Қашқадарёдан!

1999 йил

ОЗОД РЕСПУБЛИКАМ

Айни чоғ, етти йил бундан мукаддам,
Ижобат топганди асрий ниятим.
Үзингсан интилиб етишган Каъбам,
Озод Республикам – Жумхуриятим!

Кадим боболарим ёдимга келгай,
Сен ўзинг ғуурум, сен – ҳамиятим.
Сенинг қанотингда авлодлар елгай,
Озод Республикам – Жумхуриятим!

Уч минг йиллар аввал Зардуштий бўлиб
Дунёга келгандинг сен – жамиятим.
Кутлайман мен сени фахрга тўлиб,
Озод Республикам – Жумхуриятим!

Етти ҳаж савобин топгум бегумон,
Сени бир куйласам, эй Хурриятим!
Ўзбекистон – юртим, Ватан жонажон,
Озод Республикам – Жумхуриятим!

1998 йил, август

ЙҮЛТҮСАР

Оқар сувга ўхшар Инсон умри ҳам,
У ҳам ўтган жойин айлагай жаннат.
Аммо ўзанидан заққум оккан дам
Дўзах заҳри қолур ўрнида фақат.

Балки Сен билмассан, нимадир савоб,
Балки яхшиликка бормаган кўлинг?
Сенга ким амр этди, айлагил жавоб,
Нечун ёвузликка бурилди йўлинг?

Боболар демишлилар, ҳатто пашишага
Бу ёруғ оламда бермагил озор.
Наҳот зулм билан тўлсанг нашъага,
Наҳотки сенинг ҳам Инсон номинг бор?

Ҳатто ўлимтиклар эгаси – қузғун
Мехр билан бокқай ошиёнита.
Ўша тоғу тошлар юрт унинг учун,
Ўзи паноҳ бўлгай ўз маконига.

Ўрмонлар ботири наъравор фил ҳам
Шайлангай атрофи хатарга тўлса,
Филчасин қўриклиб буткул уюр жам,
Аза очар эмиш бир қавми ўлса.

Эгасиз кимса йўқ, ҳар бир жонзотнинг
Бордир теппасида Парвардигори.
Азалий конуни шудир хаётнинг:
Бузса иморатни – бузгай меъмори!

Сенинг қабоҳатинг, сенинг дастингдан
Юртингда кўчаю кўйлар безовта.
Туккан Ватанингта килган қасдингдан
Мозорлар безовта, тўйлар безовта.

Ўзбекча сўзлайсан, даҳшат накалар,
Каломим, сен бугун заҳар нечоғли.
Отанг ўртамоқда қуёшдан баттар,
Онангнинг юзлари ойдан-да доғли.

1999 йил

ИККИ ШОИР

(Ҳазил)

Бир шоир арз этди иккинчисига:
– Дўстим, шоирликдан энди воз кечгум!
Қанча интилмайин халқнинг ичига,
Шеъримни ўқимас, ўқимас ҳеч ким.

Иккинчиси уни юнатиб деди:
– Олдинроқ кетибман мен сендан кўра.
Халқ-ку ўқимасди мени ҳам, энди
Ўзим ҳам ўқимай кўйганман, жўра.

1999 йил

ЖАЗО ТОПҚУСИДИР..

Биревга ёмон сүз айтсан мен агар,
Тушунардим унинг жавоби қайтса.
Чидардим ўзимга сочишса захар,
Гинаси бўлса гар юзимга айтса.

Кимдир Ватанингта тош отса бирок,
Бегуноҳ бандалар бағрин килса кон.
Шарҳлаб беролмайман бу холни мутлоқ,
Буни тушунмайман асло, хеч качон.

Сенга шеърим ёқмас, кимимдир ёқмас,
Айт, не гуноҳи бор бутун бир халкнинг?
Билиб кўй, бу дарё тескари оқмас,
Сенга жазоси бор яратган Ҳакнинг!

2000 йил, август

АЖРИМ

Дунёнинг ярмини сайр этди ўғлон,
Келиб отасидан сўради ажrim:
– Чин дўст тополмадим нега, отажон?!
Ота эса жим.

Яна дувё кезди чарчамай ўғлон,
Яна отасидан сўради ажrim:
– Вафо тонолмадим нега, отажон?!
Ота хамон жим.

– Нега саволимга бермайсиз жавоб?! –
Ўғлон турар эди нолакор, ҳакир.
Ота жавоб килди ух тортиб шу тоб:
– Сен ҳам бор нарсани ахтар-да ахир!..

2000 йил, февраль

ОЛИЙ НЕЬМАТ

Бир Хожа йўлиқди ногаҳон дардга,
Холи тант, ранги ҳам айланган зардга.

Килмаган дорию дармон қолмади,
Елиб-югуришдан армон қолмади.

Дунёдан умидин узар бўлди у,
Охират кенгашин тузар бўлди у.

Хуллас, паймонаси тўлганда буткул,
Кирди эшигига ишлаб юрган кул.

Қулнинг табибликка дахли бор эди,
Унга шу аснода омад ёр эди.

Қулдан бўлдимикан Ҳаллоқданми ё,
Хожа шифо тоғди, ба ҳакки худо:

– Аё, кул, сен бўлдинг дардим давоси,
Килган хизматингнинг йўқдир баҳоси.

Сочайин бошингдан олтин ва кумуш,
Олгин хазинамдан энг катта улуш.

Истасанг, мулкимнинг тенг ярмин берай,
Токи мен қулимни шод, хуррам қўрай.

Кул деди: –Ҳозирман хизматингизга,
Рахмат ҳам айтурман химматингизга.

Бирок ҳозиргина дедингиз, Хожам,
Яъни хизматимга баҳо йўқ ҳеч ҳам.

Лекин олтиннинг ҳам баҳоси бор-ку,
Олтиннинг баҳосин берган бозор-ку.

Ҳаттоқи хуннинг ҳам нархи бор, Хожам,
Бебаҳонинг бундан фарки бор, Хожам.

Хожа ўйлаб деди: – Нима экан у?
Қандайин неъмат у? Қандайин инжу?

Айтгин армонингни, бажаргум шу зум,
Ахир, сен туфайли очикдир кўзим.

Кул деди: – Бир неъмат бордир – бебаҳо,
Унга садқа бўлсин молу мулк, дунё.


Фалаклар бекордир унинг қошида,
Малаклар бекордир унинг қошида.

Унга нисбат берса – қафасдир жаннат,
У шундок тансик хис, тенги йўқ неъмат.

– Унинг номи не деб, кистарди Хожа,
Сирни билмоқликни истарди Хожа.

Кул деди: – Бу неъмат жондан-да тотлик,
Номи Озодликдир, номи Озодлик!

1999 йил, август.



ГУЛЛИВЕР

Миттиларга улкан күринар олам,
Улканлар наздиды миттидир дунё.
Дейдилар, Гулливер леган бир одам
Аён күрган эмиси уларни түё.

Атрофин улканлар қуршагани чок,
Гулливер заррадир, у – ийүк, у – ўлган.
Митти одамчалар кошида бирок
Гулливер буюкдир, Гулливер – улкан!

1999 йил

НАДОМАТ

Қаршимда турибсан ҳасратга тўлиб,
Сабабин яшириб мендан нетасан.
Бир нодон болани туғдириб қўйиб,
Ўшанинг дастидан ўлиб кетасан.

Балки факатгина умр йўлдошинг
Сўнгти лаҳзада ҳам ғамингни егай.
Анови нодон-чи, еб бўлгач бошинг,
На афсус чекади, на раҳмат дегай.

1999 йил

ТУШ

Агарда туш билан ўзгарса дунё,
Түш билан айланса вакту замонлар,
Ёмөн туш кўрганлар кўкармай асло,
Кирилиб кетарди аллақачонлар.

Яхши тушлар кўрсинг ҳар ким ҳам, бирок
Бу билан ҳам битмас дунё ишлари.
Яхши туш кўрганлар ғам билмай мутлок.
Бахтли яшар эди эҳтимол бари.

1999 йил

* * *

Стадион гувлайди,
Одам лиқ тұла.
Бу ерда жам бұлмис турфа тил, овоз.
Уларнинг барчасин қучиб бир йўла,
Дўстим деб атамок ғалати бир оз.

Стадион гувлайди,
Одам лиқ тұла.
Фақат Ҳаққа аён улар сийрати.
Уларнинг барчасин сўкиб бир йўла,
Ғаним демоклик ҳам анча ғалати.

2000 йил, август

* * *

Меъмор умр бўйи хафсала ила
Гўзал бир иморат айлади бунёд.
Бирок ногаҳонда машъум зилзила
Вайрон қилди уни, килди-ку барбод.

Худди шу сингари, кургаймиз биз ҳам
Умр деб аталмиш гўзал бинони.
Бирок етиб келар мангъум сўнгти дам,
Вайрон этар уни ажал тўфони.

2000 йил, август

МЕН ФАҚАТ...

Мен фақат Сен учун яшадим десам,
Бир оз лоф бўларди ва бир оз ёлғон.
Гоҳи босганида тўфон каби ғам,
Кўзимга кўрингай ўзимдаги жон.

Сенсиз ҳам яшадим десам мен агар.
Десамки, сенсиз ҳам танамда бор жон,
Ишонгил, бу гапим баридан баттар,
Ёлғон бўлар эди, тамоман ёлғон.

2000 йил, август

АКТЁР

Бир кун томошага тушиб лаҳзада
Турфа актёрларни кўриб қайтибсан.
Лекин сен уларни факат саҳнада
Мавжуд деб ўйласант, бекор айтибсан.

Чин актёр санъат деб, бағрини тиғлаб,
Амаллаб кунини кўриб юради.
Шундай инсонлар бор, бир кўзи йиғлаб,
Битта кўзи эса кулиб туради.

Шундай инсонлар бор,вой отам, дея
Бир зумда ўзгарар турки, сиёғи.
Лекин ўша маҳал, ўша сония
Онасин кўксига турар оёғи.

Шундай инсонлар бор, гўё юртиарвар,
Юртини улуғлар гўё ҳар сўзи.
Лекин разм солиб карасанг агар,
Амал поясида иккала кўзи.

Санъатга умрини ким этмиш фидо,
Шарафи юксалсин, оламни тутсин.
Хаётни ўйин деб билганинг аммо
Толеи кулмасин, бири кам ўтсин.

2000 йил, февраль

ЙЎКЛОВ

Ўлмас Умарбеков хотирасига

Чеҳрангда табассум балкирди доим,
Қўнгил боғинг эди чечакли, гулли.
Арши аълога ҳам сендеқ мулойим,
Хунисурат бандалар даркор шекилли.

Хар зумда ўлимни кутиб яшамок
Унинг ўзидан ҳам даҳшатлироқ хис.
Сенга шундай юрак бермишди Халлок,
Боқдинг ажалнинг ҳам кўзига мунис.

Дунёнинг тагига ўт кетсин, агар
Бағридан яхшини ситиб чикарса.
Толе бўлолмагай қазои қадар,
Бахт асли тириклик деган бир нарса.

Ўлмас деб қўймишлар исмингни, бирок,
Ўлим тўлғизди-ку умр жомингни.
Фалакнинг бу ажиб ўйинига бок:
Ўлмас деб турибман энди номингни!

Инсон боласига шарафдир ғоят
Халки рози бўлиб, хотирга олса.
Менинг ушбу шеърим сен учун шояд
Дўстларинг номидан йўклов бўлолса.

2000 йил, февраль

СИРЛИ ОЛАМ

Ёзувчи ва муҳаррир укам
Хожиакбар ШАЙХОВга

Хожиакбар, сен ажойиб адиссан, кўркам,
Мафтун этдинг бизни нурли қаламинг билан.
Бирок нега кўркитасан, муҳаррир укам,
“Қалб кўзи”ю, мудхиш “Сирли олам”инг билан.

Хар саҳифа орасидан девлар кутуриб,
Инсу жинслар гуж-гуж чикиб келаверади.
Хотин эмас, алвастилар уйни сунуриб,
Набиралар “ликопча”дек елаверади.

Дарнардалар силкинади сирли равища,
Газ ўчокдан чўзилади аждаҳо тили.
Келининг ҳам одам эмас, ёвуз фаришта,
Салом берган “кор одам”нинг жуп босган қўли.

Жиринглайди ярим тунда телефон ногоҳ,
У нариги дунёлардан хабар бўлса-я!
Симёғочда қунишган у қуш эмас, арвоҳ,
Балки ўзга сайёрадан анов ҳамсоя?!

Улар бизни таъкиб этар сира тинмасдан,
Бекорчидаёт, бошқа қиласи ишлари йўқдай.
Биз ҳам учиб юргандаймиз ерга қўнмасдан,
Латиф олма емишидан қорнимиз тўқдай.

Хожиакбар, айтганларим келмасин малол,
Ўшаларинг балки дўстдир, ёинки ракиб,

Нима дейсан бу гапимга, балки, эҳтимол,
Улар әмас, биз уларни этармиш таъкиб?!

Балки улар қочиб юрар биздан ҳар лахза,
Ер юзига ҳар қалай биз кўпроқ бурчлимиз.
Бизлар моддий дунё, ахир, бизлар бор нарса,
Билиб қўйгин, биз улардан анча кучлимиз.

Мана, битта танишним бор, шунчалар маккор,
Минг ажинанг қилолмайди унинг ишини.
Суҳбатдоши сал анқайса, бермай ҳеч озор,
Кокиб олар оғзидаги бор-йўқ тишини.

Бошқаси-чи, китикламас шайтон сингари,
Лекин гапга бирам чечан, кулдираверар,
Қўйиб берсанг, оқизади сувни тескари,
Фойдасига бўлмаганни бўлдираверар.

Яна бирин билиб бўлмас ёшми ё кекса,
Билиб бўлмас, сингани раҳмонми, шайтон.
Битта кўзи нимадандир дув-дув ёш тўкса,
Бошқа кўзи нимадандир чараклар шодон.

Тагин бири кўлларингни ўпишга тайёр,
Номинг сотиб битқазади ҳар қандай ишни.
Лойдан ўтгач, унутади барчасин, айёр,
Хатто талаб кила бошлар пойин юнишни.

Булар таъма қулларидир, лўттибоз ва сук,
Хаёлида на Аллоҳ бор, на юртнинг ғами.

Бундайларда наинки күз, қалбнинг ўзи йўқ,
Лекин сирга тўлиб кетган буткул олами.

Хожиакбар, жинларингни эплаб, аслида
Муросага келтириш ҳам мумкиндири ҳатто.
Лекин шундоқ ёнингдаги инсон шаклида
Яшаб юрган иблислардан асрасин Худо!

2000 йил, октябрь

ЎТИНЧ

Дунёда минг йиллик харобалар кўп,
Урушлардан ёдгор, селлардан ёдгор.
Мозорлар қалашиб ётиби тўп-тўп,
Аслида улар ҳам чўнг харобазор.

Вужудимни тешар йиллар шамоли,
Юрак тилка-тилка турфа озордан.
Болам, хабар олгин, тутмай заволи,
Шоир деб аталган харобазордан.

2000 йил, 4 декабрь

ҚАДАХ

Турибман қўлимда қадаҳ шу палла,
Демак, жом сўзимни айтмасам бўлмас.
Сизга баҳт тилашим мумкин барадла,
Лекин баҳтли килиш қўлимдан келмас.

Тилайман албатта соғлиқ ва умр,
Тухфа қилолмасман лекин уларни.
Тилайман ҳеч сўнмас илҳом ва суур,
Гарчанд беролмасман бу туйгуларни.

Мен факат сиз учун орттириб алам,
Йўлингиз тўсмасман деворга ўхшаб.
Фалвали дунёда шунинг ўзи ҳам,
Менинг назаримда, жуда катта гап.

2000 йил, октябрь

НАВРҮЗ

Аввал юрагинта мүралайди у,
Сүпгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйку,
Демак, Баҳор келди,
Келмокда Наврӯз!

Кишининг аҳволига боқиб, хойнаҳой,
Юм-юм ёш тўкмокда эриётган муз.
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмокда Наврӯз!

Она бағри каби илиқдир олам,
Харир ҳовур ичра яйрап дала-туз.
Қолди пучмокларда ҳазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмокда Наврӯз!

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,
Яна шуълалардан қамашмокда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати ётди,
Демак, Баҳор келди,
Келмокда Наврӯз!

2001 йил, февраль

ХАММА ГАП ШУНДА...

Ёшинг олтидами ёки олтмишда,
Майли, қай иш билан машғулсан, бандсан.
Қайси кенглиқдасан, қай муюлишда,
Барыбир Ватанга фарзандсан.

Барчага бағрини очар шу Ватан,
Мунаввар күндүзу коронғу тунда.
У сени фарзанд деб олгаймикан тан?!
Хамма гап шунда.

2001 йил, 23 март

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Үн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,
Йўлларингта сочкilar сочилимаган дердилар.
Үн гулинг ҳам чараклаб очилди-ку, ох, юртим,
Йўлларингта зар-кумуш сочилиди-ку, ох, юртим.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Айтмасинлар ғанимлар, кимларгадир зор бу юрт,
Буюк Соҳибқирони, Алишери бор бу юрт.
Аллоҳ ўзи етказган иномини асрагай,
Туғросини, тахтини, Исломини асрагай.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,
Ўзбегимсан ҳамиша, юпунмисан, боймисан.
Ватандоним, шу тенгсиз Ватанини кўйлашайлик,
Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

2001 йил, август

САҲАРЛИК

Рўза кунларида бизнинг уйда хам
Ўчмасди тонгтacha тоат чироғи.
Ибодат қиласди отам ва онам,
Мен хам ўйғонардим сахарлик чоғи.

Мўъжаз дастурхонда шукронда таом:
Битта чалик нону майиз ё ўрик.
Саҳарлик жимгина этарди давом,
Буларнинг барига мен хам бир шерик.

Йиллар ўтиб кетди, энди мен учун
Армон у кунларнинг ҳар бир фурсати.
Ўша азизларим... улар йўқ бутун,
Битган улар учун рўза муддати.

2001 йил, 20 ноябрь

ЖОНИБЕК

Набирамга

Шу яқин күнларда дунёға келган
Набирам бор менинг, Жонибек деган.

Унга совға излаб, кезиб ҳар ёқни,
Ола кетай дедим битта тойчоқни.

Женева кўлининг бўйида яшнаб,
Онаси билан у турарди кишинаб.

– Юр, тойчок, мен билан, Тошкентга кетдик,
Ўртогинг бор сенинг, исми Жонибек.

Тойчок иргишларди, кетдик, дер эди,
Бир чоисак Тошкентга етдик, дер эди.

Онаси-чи, боқар гўё ҳоли танг:
– Мехмоним, бекорга хомтама бўлманг.

Дунёда энг күшиуд, бой чоғимдир бу,
Бу тойчок ўзимнинг тойчоғимдир бу!

Яхшиси, мен сизга берай маслаҳат,
Эшигинг, у сизга ёққайдир албат.

Митти Жонибекка биздан эҳтиром,
Тойчок деб атангиз уни. Вассалом!

2001 йил, декабрь

ОГОХЛИК

Кимдир бошқаларга тилар омонлик,
Кимдир соғинади фактат ёмонлик.

Бир карасанг ўхшаш ранту рўйлари,
Бироқ тамом бошқа фикру ўйлари.

Сиртдагисин кўриб турибсан ҳар он,
Ичдаги олангдан огох бўл, инсон!

2001 йил, декабрь

ОТА ВА БОЛА

Ота дер: –Алдама сен мени, болам,
Бари қилмишингни сезиб юраман.
Агар кўйилмасанг мендан кейин ҳам,
Билиб қўй, гўримда тикка тураман.

Бола дер: –Отажон, мени биласиз,
Бирга давру даврон суда беринг-да.
Ўша кора гўрда нима киласиз,
Мана, уйда тикка тураберинг-да.

2001 йил, декабрь

САЙЁХЛАР

Балки сайёхларга туюлар шундок:
Нафас олиш осон бу манзилларда.
Бир зум яйрар инсон бу манзилларда,
Ташвишлардан узок, ғамлардан узок.

Балки сайёхларга туюлар шундок:
Хоргиндек бу ернинг одамлари ҳам.
Улар ҳам қайгайдир кетсам дер ҳардам,
Ташвишлардан узок, ғамлардан узок.

2001 йил, декабрь

ҚҮМИҚ БИЛАН СУХБАТ

Йирок Европага килиб саёхат,
Битта қүмік билан бўлдим ҳамсуҳбат.

У деди, мен кичик қўмік эрурман,
Балки олам аро мен йўқ эрурман.

Асло қизиқмасман сиёсат билан,
Бу юртда юрибман тижорат билан.

Гўзал Европага асло йўқ тараф,
Лекин бир сўз айтгум уларга қараб:

Ямоқни ямокка улайди улар,
Одамгарчиликни билмайди булар.

2001 йил, декабрь

СЕВИШГАНЛАР

Хиёбонда кезар икки ёш ҳабаш,
Йигит пачок бурун, лаблари дўрдок.
Ёнида нозланар маъшука – маҳваш,
Оёклари қийшик, тишлари сўйлок.
Дунёда хунукни изласанг агар
Булардан ортигин топмоғинг гумон.
Йигит севгилисин кучиб авайлар,
Қиз ҳам онингига бокар ниғорон.
Ушбу манзарага бокдим-у, түё
Бирдан қулаб тушди аршидан азал.
Қани у лайливаш – сарвиноз барно,
Қани у эр йигит – етук, мукаммал.
Демишлилар, нисбийдир ҳар қандайин ҳол,
Ҳар ким ўз севгиси учун сурингай.
Анов икковлонга, балки, эхтимол,
Колганлар беўхшов бўлиб кўрингай.

2001 йил, декабрь

ВАТАНДОШ

Магар бир лаганда ош еган билан,
Ёки битта тилда сүз деган билан,
Улар ҳали буткул елкадош эмас.

Түгри келса агар дили дилита,
Садокати бўлса туққан элига,
Улар ватандошдир ҳар зум, ҳар нафас.

2002 йил, 2 январь

ЭЛЬТИРОФ

Хар ким ўз умрини қылса сархисоб,
Турфа ҳодисалар тушгай ёдига.
Кимдир арик казган ё чалган рубоб,
Хар ким баҳо бергай ўз ҳаётига.
Турфадир дунёнинг ҳатто озори,
Шодлиги ҳам турфа қадимдан-қадим,
Мен ҳам шеърлар ёздим қўплар қатори,
Лекин бошқалардан кўирок... алдандим.

2002 йил, 2 январь

* * *

P. Бобоҷонга

Муҳаббат ҳиссини асраромок учун
Иморат шарт эмас, макон шарт эмас.
Синамоқ бўлсанг гар муҳаббат кучин,
Вақт-соат шарт эмас, замон шарт эмас.

Ўтли муҳаббатни куйлабсиз тўлиб,
Бир Лайли ёдининг Мажнуни бўлиб.
Уни ҳеч битта куч ололмас юлиб,
Хатто, таърифлашга забон шарт эмас.

2002 йил, 11 январь

БУ ЙҮЛЛАР

Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг,
Бу йўлларнинг эса адоги бўлмас.
Эзгу ниятларга ошно ҳар дилнинг
Йўлини Аллоҳим ўзи бергай, бас!

Бу йўллар таратгай Ўзбекнинг шонин,
Неча манзилларда машъал ёққайдир.
Бу йўллар... Айланниб ҳали, дунёнинг
Чаккасига гуллар таққайдир!

2002 йил, 23 август

ЁЗГИН, ДЕДИЛАР

Шоир бир шеърида күйлади тунни,
Уни ўқиганлар: – Такрор! – дедилар.
Яна бир шеърида ёзди булбулни,
Уни ҳам: – Бу – эски ашъор, – дедилар.

Шоир кунларини улади тунга,
Борликни васф этиб айлади хонит.
Парво қымадилар барибир унга,
Дедилар: – Бу гаплар барчаси таниш.

Шоир шеър тўкиди севгига доир,
Гўё мухаббатнинг ўтли бахшиси.
Дедилар: – Буни ҳам, эй ошиқ шоир,
Ёрингнинг ўзига ўки яхшиси.

Наҳот одамларда сўнган ақида,
Наҳот шеър йўлидан озгин, дедилар?
Шоир шеър ёзганди Она ҳакида,
– Ёзабер, дедилар, ёзгин! – дедилар!

2002 йил, март

ТЕРМИЗИМ

Сен қүёш шаҳрисан, нурли бўстоним,
Ватан сарҳадида қадим кўрғоним,
Аждодлар зиёси – илму урфоним,
Сен шоюли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёримнинг фахри – Термизим.

Минг йиллик карвонлар изи сенда бор,
Боболар қаломи мозийдан ёдгор,
Алномиш қудрати бўлсин мангу ёр,
Сен шоюли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёримнинг фахри – Термизим.

Бахшилар созида янграп истиқдол,
Пойвонлар ҳамиша курашда ҳалол,
Хур Ватан бағрида топдинг сен камол,
Сен шоюли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёримнинг фахри – Термизим.

2002 йил, марта

УНИВЕРСИАДА

Мухташам майдонни тўлғизиб турган
Ватанинг кўз нури, дилбандларири.
Келажак боғидан чечаклар терган
Она Ўзбекистон фарзандларири.

Бу сафлар камолот шиддатига мос,
Гўё яралтандир чакиндан, нурдан.
Мардлик ва жасорат уларга мерос
Махмуд Торобийдан, Амир Темурдан.

Авлоди етук юрт ғолиб ҳамиша,
Авлоди соғлом эл қўрмагай завол.
Юртбоши бор экан зафарга пеша –
Фарзандлар улғаяр, демак, баркамол!

Универсиада, бу – кўрик ва синов,
Осойиш кунларга ярашиқ дамлар.
Сизнинг юракдаги аланга, олов
Минглаб тенгдошларнинг қалб қўрин жамлар.

Хар бир қадамингиз шахдам ва ўқтам,
Махорат кўргазиб, шавққа тўлгайсиз.
Омад ҳамроҳ эрур барчангизга ҳам,
Сиз Ўзбек диёрин фахри бўлгайсиз!

2002 йил, май

САНЬАТИМ

Бастакор Мутал Бурҳонов хотирасига

Ўлмагай жисмимдаги жон, санъатим,
Тоабад қалбимда иймон, санъатим.

Икки дунё мулки бирла тенг ўзинг,
Менга хам бўлдинг шараф-шон, санъатим.

Гоҳ Навоий, гоҳ Хайём, гоҳ Ҳофиз
Жўр бўлишди сенга гирён, санъатим.

Фунчага хор ҳеч тараҳҳум қилмади,
Хар табассумингда исён, санъатим.

Ўтди умрим, ёр дедим, ёлғиз сени.
Зурриёдим – дилда армон, санъатим.

Сен улуғ юрт мадҳи бўлдинг, минг шукр,
Тўлди шавққа еру осмон, санъатим.

Рози бўлгил, мен Мутал Бурҳон эдим,
Ёдга ол, жон Ўзбекистон, санъатим.

2002 йил, июль

ЧАЛА ИМОРАТ

Оғзин очиб ётар чала иморат,
Атрофи ўраю тоңдан иборат.

Хар ён чакалакзор, бурган ва янток,
Остона ўйилган, узилган равок.

Хотирами дейсан у қаттол жангдан,
Ё ёдгор асрлар қолдирган чангдан.

Кора түйнукларда увиллар шамол,
Қамиш том гижирлар маҳзун, bemажол.

Баҳор, ёз ўтади, ҳануз у чала,
Каламушлар ғуж-ғуж, қушлар ҳам гала.

Ташландик бу ўйнинг сохиби кимдир?
Ё фалак! Бу ҳолнинг сабабин билдири!

Бир қуш ярим тунда беради садо,
Саволимга жавоб қилгандай гўё:

– Не керак танингнинг нега, негаси,
Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси.

2002 йил, август

ЯХШИ ОДАМ

Бир кун донишмандга бердилар савол:
Айтинг-чи, дунёда яхши одам ким?
Севиб ардоқласа элу юрт хушхол,
Чиндан яхши одам ўшадир балким?
Донишманд дедики: – Майли, хар ким хам
Яхши бўлгум дея хар зум уринсин.
Майли, яхшиларга ёқсин у одам,
Лекин ёмонларга ёмон кўринсин!

2002 йил, август

ЖАННАТ ҚУШИ

Ю. Усмоновага

Жаннатга етишган банда яйрабди,
Оңанғ әшитилмиш даставвал унга.
Бугун бөгимизда булбұл сайрабди,
Тегмангиз лоакал сиз шунга...
Майли, у түйіганча таратсын оңанғ,
Тегмангиз, мұхлислар, тегманг, дарғалар!
Ахир күлокларни қылғанди батанғ,
Кағиллайверишиб қарғалар...

2002 йыл, август

ЗИЁРАТ

Бобо набирасин етаклаб бир кун,
Кабристонга борди зиёрат учун.

Мархұмларға тилаб ажру ҳаловат,
Бобо тиз чүкканча қилди тиловат.

Набира сүради: –Бобо, булар ким?
Бобо жавоб қилди: –Яхшилар, ўғлым.

Набира дағынан сүз котди шу он:
–Ёмонларнинг кабри қайда, бобожон?..

2002 йил, август

ИЛТИЖО

Фоятда чарчадим,
Толиқдим фоят,
Хисоб килавериб ғанимни, ёвни.
Тирнокча яхшилик тиласант, фақат,
Ука, ёмонлама менга бировни.

Инсон яшар ахир эзгуликка зор,
Санаб етарми у йүлларда ғовни.
Мен ҳам ором олай ҳеч курса бир бор,
Ука, ёмонлама менга бировни.

2002 ийл, август

ОСОН ЭМАС

Яшац осон эмас яхши одамга,
Алдов нималыгын билмайди чунки.
Гүдак күзи билан боқар оламга,
Мудом бошқаларга бўлади кулки.
Янаш осон эмас яхши одамга,
Чунки ёмонликдан қилар у ҳазар.
Яхшининг кераги камдир оламга –
Ёмонларнинг дасти узун бўлса гар...

2002 йил, август

РИВОЯТ

Бир кун халойикнинг олдида ошкор
Муттахам ўрининг кўлин чопдилар.
Ниҳоят жазосин олди-ку маккор!
Йигилган одамлар таскин тондилар.
Ўғри-чи, атрофга боқиб ҳар нафас,
Сизнинг гўллигингиз билгандим, дерди.
Ўша ўғирликни у қўлим эмас,
Буниси билан мен қилгандим, дерди.

2002 йил, август

ҚҮМСАШ

Ох, яхши кунларим,
Сизни құмсайман.
Сиз энди боламнинг ўйисиз.
Ох, яхши кунларим,
Сизни құмсайман,
Сиз энди набирам түйисиз.
Ох, яхши кунларим,
Сизни құмсайман,
Сиз энди әртага саломим.
Ох, яхши кунларим,
Сизни құмсайман,
Сиз балки колажак қаломим...

2002 йыл, август

ТОШКЕНТИМ

Истиқлол шавқида жүшған Тошкентим,
Юргбошим назари түшған Тошкентим.

Тонғда салом билан балқади қүёш,
Үнга пешівозды чиқар әввал құхна Шош.

Буюқ көшіндерлер, кеңгі, равон йүллар,
Чаманзор боғларим, фаввора, күллар.

Манғу чарактагай жамолинг сенинг,
Юртим камолидир камолинг сенинг.

Истиқлол шавқида жүшған Тошкентим,
Юргбошим назари түшған Тошкентим.

2002 йыл, ағаст

* * *

Тошкентим, Тошкентим, Онажон,
Элларга меҳрибон, жонажон.
Ўзбегим фахрисан, Пойтахтим,
Маърифат, зиёга бой тахтим.

Нақарот:

Қадимий Шош шаҳрим,
Юртимда бош шаҳрим.
Истиқлол йўлида
Довонлар ош, шаҳрим.

Сен улуғ аждодлар макони,
Озод, тинч авлодлар ошёни,
Мехмондўст халқимнинг шонисан,
Табаррук Тошкентим ионисан.

Нақарот:

Дарёдек жўш урган кўчалар,
Чароғон юлдузли кечалар.
Санъатим, нурафшон пешонам,
Сен ўзинг энг олий кошонам.

2002 йил, август

ҮН БИРИНЧИ ДУР

Ҳар йилга мен ўзни масъул сезгайман,
Йиллар шодасига бир дур тизгайман.

Фараҳбахш кунлардан то кўнглим тўлди,
Шодала дурларим ўн битта бўлди.

Ҳар битта дуримнинг номи бор, алҳол,
Ҳар бири бетакрор, юлдузлар мисол.

Озод Ватанимдан нишон ҳар бири,
Жам унда халқимнинг фахри, гурури.

Умр тугар балки, туганмас шода,
У инсон умридан фузун, зиёда.

Бу Ҳурлик маржони колмагай ярим,
Уни тўлдиради набираларим.

2002 йил, август

ҒАЛАТИ МАНТИҚ

Ажал келса не дийдалар
Ёшланаци.
Хонадонда ғам-ташвишлар
Бонланади.
Қабристоннинг ғалвасин-ку
Кўятуинг.
Зудлик билан кўчасини
Қайта қуринг.
Анов эски симёгочни
Бўяп керак.
Кесинг дарров, кўринмасин
Манов терак.
Ўйдим-чукур йўлларни тез
Асфалт қилинг.
Жанозага ахир кимлар
Келар, билинг!..
Бундай чоёда ҳамма тотув,
Эш бўлади.
Бир кечада ҳамма ишлар
Беш бўлади.
Воқеалар бирданига
Эврилсайди,
Шўрлик марҳум бир фурсатга
Тирилсайди.
Кўтарп эди, маҳалласи
Нечоғ тўқис.
Кўчаси ҳам бинойидек,
Равон, текис.
Холбуки, у шу йўллардан
Ўтганди-ку.

Киш-кировда автобус ҳам
Кутганди-ку.
Босим ошиб, күзлари ҳам
Тинган эди.
Яхда тойиб, оёғи ҳам
Синган эди.
Йўл тузалди, бирок мархум
Юрмай кетди.
Тиригига бу ҳурматни
Кўрмай кетди.
Гапларимдан бошқа маъно
Ахтармангиз.
Йўқни бору, борни йўқ ҳам
Деманг харгиз.
Бундай ҳолга на йиглаб, на
Кулиш керак.
Наҳот бир иш битиш учун
Ўлиш керак.

2002 йил

БҮЛДИЛО

Дедим: Ёшлигимни қайтиб бер, замон,

Деди: У гулларинг пайхон бўлдило.

Дедим: Тик қилсанг-чи қаддимни, даврон,

Деди: У тоғларинг сайҳон бўлдило.

Фалакка етмади чеккан унларим,

Тийра кундузларим, қора тунларим,

Бахтиёр, беармон кечган кунларим

Энди туткич бермас жайрон бўлдило.

Йиллар жарохатин борми давоси,

Бормикан Лукмони, борми Синоси.

Мухаббат мулканинг нозик биноси

Хижрон сели ила вайрон бўлдило.

Бахтга зор бўлсам-да куйладим бахтни,

Саробга термулиб, бой бердим накдни.

Гоҳида сомондек совурдим вактни,

Кўрганлар тамоми ҳайрон бўлдило.

Сув излаб, кўмларга дуч келдим бальзан,

Мадад беролмадим дўстга дафъатан.

Ёвларим куршади мисоли тикан,

Не-не орзуларим армон бўлдило.

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,

Гоҳида шошилдим, шошилтиридим гоҳ.

Асл манзил экан у Олий даргоҳ,

Колгани шунчаки сайрон бўлдило.

2002 йил. сентябрь

АДОЛАТ КҮЗГУСИ

Үлтирган жойингда сакрайверма, бас,
Жимгина ором ол топған аршингда.
Қанча буюкликни құлмагил ҳавас,
Адолат күзгуси турар каршингда.

Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,
Гарчи teng кошида – чинордир, қасдир.
Пушкин атамагай хар битта курбон,
Хар бир қамалган ҳам Чүлпон эмасдир...

2002 йыл, сентябрь

ЮПАНЧ

Бечораман, дея ўкинма, иним,
Сенга ўхшаганлар дунёда бисёр.
Бир парча нон учун, ўтсин деб куним,
Томирдан қонини бергувчилар бор.

Бахтиёр зотлар ҳам мавжуддир, бирок
Улар ҳам тириклик оворасидир.
Зимдан назар солсанг, шу ер – думалок –
Асли бечоралар сайёрасидир.

2002 йил, сентябрь

ОЛЛОХНИНГ ИШЛАРИ

Оллохим гоҳида болага ўхшапи,
Шўхликни ёқтирап, ўйинқароқдир.
Тоғларга карасанг – келгудай тўқнаш,
Аслида йироқдир, жуда йироқдир.

Гоҳида томоша қиласай деб Халлоқ,
Бироннинг юмушин бошкага бергай.
Чунончи, бир эркак бўяса тирнок,
Хотини ховлида гувала тергай.

Ҳазили оғир ҳам бўлар гоҳи дам,
Шодликка эш қилиб юборар кулфат.
Агар бир шаҳд қилса Яратган Эгам,
Арслонга шоқолни айлагай улфат.

Кимнинг ўз уфқида иқболи кулса,
Масхара бўлмайди ўша ягона.
Менга амалдорлик қанча ёт бўлса,
Сенга шоирлик ҳам тунча бегона.

2003 йил, 16 февраль

ЯХШИЛИК

Бу ёрг дунёда даврини суреб,
Биревга яхшилик қилмаганлар бор.
Ва лекин бир умр яхшилик кўриб,
Унинг нималигини билмаганлар бор.

Оғир дард чеккандим мен ҳам бир замон,
Бегона элларда, дўстлардан йирок.
Мадад берган эди улуг бир инсон,
Мен унинг сиймосин унутай қандок.

Ярқираб турибди кўксингда юлдуз,
Осмондан тушмаган у ҳам, ҳойнахой.
Кимдир сен ҳақингда айтди яхши сўз,
Шундан кўкрагингда юлдуз топди жой.

Дейдилар, дунёниг доим бири кам,
Яхшилик килиш ҳам осонмас бирок.
Менинг назаримда, яхшиликдан ҳам,
Унинг қадрин билмок минг бор яхширок.

2003 йил, 16 февраль

ТОМЧИ ЙИФИЛМАСА ЖОМ ҲАМ ТҮЛМАЙДИ

Чынай

ҚАЛАМ

Эркапангиз қаламни олиб,
Үпib күйинг уни мулойим.
Шүрлик ўзи яланғоч колиб,
Кийинтирап этасин доим.

1963

ХАСАД

Идроким борича яшадим факат,
Фахм этдим дунёни баимкон, қат-қат.
Ёлғиз бир жумбоқقا ақлим етмади:
Қайдан туғилади, билмадим, хасад.

1968

НИГОХ

Ох, у күнлар қайтмагай зинхор,
Үчган мухаббатнинг ёнмоги душвор.
Нигохинг қадама қарғимга сен,
Унда түкилмаган күз ёшларим бор.

1969

ШОИР

Демангиз, дунёнинг ташвиши қолиб,
Ўзини ҳар ёнга уради шоир.
Тоғдай оғир юкни кифтида олиб,
Күпдай енгил бўлиб юради шоир.

1970

ЎГАЙ

Булбул ўгай эрур зоғлар орасида,
Югурик сув ўгай тоғлар орасида.
Мухаббат дардидан бемор қалблармиз,
Ўгай бўлсак не тонг, соғлар орасида.

1971

ИҚТИБОС

Ногоҳ энтиқди-ю, эгилди камон,
Ўқ учди билгисиз ёкларга томон.
Кекса отасининг қаддин дол этиб,
Кетиб борар эди фарзанд шу замон.

1971

МЕН АНГЛАБ ЕТГАН ФАЛСАФА

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни,
Иккиси ичра ҳам кўрмадим аспо,
Молим ёмон деган бирор кимсани.

1973

БИР КИМСА

Саҳро сўқмоғида бошин этиб жим
Бир кимса кетмоқда, билмасман у ким.
Агар у сен бўлсанг, қошингга борай,
Агар у мен бўлсам, тезрок кел, дўстим.

1975

АБАДИЙ САДО

Тиніла, бу абадий садо бўлади,
Гадонинг душмани гадо бўлади.
Иккови бир-бирин егунича то
Ўртада бу дунё адо бўлади.

1975

ТАҚЛИДЧИ ШОИРГА

Тақлид қила бергін етса бардошинг,
Модомиқи сенда бор экан хавас.
Фақат бир кора күн күтариб бошиңг.
Асл иусхаман деб дод солмасанг бас.

1976

МИШ-МИШ

Унинг миш-мишидан ранжиманг асло,
Нима бўлса асли наслида бўлган.
Она корниданоқ ўзи ҳам ҳатто
Асли миш-мий билан дунёга келган.

1977

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Дўстлар учрашиди: – Салом! – Яхши қол!
Аслида мана шу таржимаи ҳол.
Фанимлар дуч келар – жанг бўлар пухта,
Таржимаи ҳолга қўйилар нукта.

1977

КОИНОТ ГУЛТОЖИ

Коинот гултожи инсондир азал,
Үндадир энг олий тафаккур, амал.
Хатто у тубанлик ичра ҳам танхो,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

1977

НИЯТ

Хар калай, қўлимда шарбат тўла жом,
Гар маҳзун бўлса ҳам қалбимда илҳом.
Энди бир самимий дўст ҳам топсайдим,
Бахтли санар эдим ўзни батамом.

1979

ПАНД

Оқар дарёга ҳам кимдир банд берган.
Ҳаёт кимга заҳар, кимга қанд берган.
Эй ғофил, саркаш деб мени камситма,
Фаним сенга эмас, менга панд берган.

1979

ИСТАК

Орзум шул, ўчмасин ёнган чирогинг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг – карогинг.
Магар чинор бўлсанг, чинордай яша,
Бевакт узилмасин бирор япроғинг.

1979

ДОНИШМАНД ДЕДИКИ

Донишманд дедики, осонни кутма,
Имкондан ортиқ бир имконни кутма.
Дарёдан дарёни талаб айлагил,
Ва лекин ҳеч қачон уммонни кутма.

1980

ЗАМИН АЙЛАНАДИ

Замин айланади, чиқади қуёш,
Харгиз кибр билан кўтартмагин бош.
Оёқ остингдаги харсангни тепма,
Балки ҳайкал бўлар сенга ўша тош.

1982

КАЛЬБА

Самода юрибди ҳануз ёлғиз ой,
Танхолик қийнайди уни хойнацой.
Йүқликтан ахтардим сенинг васлингни,
Ким қайта сиғинса, Каъба ўша жой.

1983

ШУКР АЙТАЙ

Шукр айтай, кўп яҳши умр кўрдим мен,
Гоҳ яйдоқ шамолдай даврон сурдим мен.
Лекин сени кўрсам, булут олдида
Чорасиз йўлбарсдай ҳайрон турдим мен.

1983

ИҚБОЛ

Туғилсанг – баҳт билан камол ўшадир.
Тарқ этсанг оламни – завол ўтадир.
Охир чоғ тупроғинг устига келиб
Кимдир ёд айласа, иқбол ўшадир.

1983

ХАСАДГҮЙ ҲАҚИДА

Үзи оддийгина,
Кам йүк ишида,
Тонналаб күмір бор
Лекин ичида.

1983

ОФТОБ БОТИБ КЕТДИ

Офтоб ботиб кетди, әгилди бошим,
Юлдуздеқ сочилди күзимдан ёшим.
Хажрингда бағримни ерга берурман,
Тун бир лаҳад бўлса, ой қабр тошим.

1984

БИЛАМАН...

Биламан, ўтади шодлик билан ғам.
Биламан, ғанимат эрур ҳар бир дам.
Пайғамбар атадим ҳар зотни, аммо,
Муридим демади хеч битта одам.

1984

АҚЛ ҲАҚИДА

Шунчалар гүзәлсан, гүзәлсан, санам,
Таърифинг битмокка оқиздир қалам,
Бир йигит умрини обод этардинг,
Ақл ҳам берганда фалак бокарам...

1986

ДҮСТАЛАРИМ...

—Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,
Нега нигоҳингни тортади тупрок?
—Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дүстларим күпроқ.

1986

ТАҚДИР ЙЎРИҒИДАН...

Тақдир йўриғидан розиман минг бор,
Менга дуч айлади сени, эй нигор.
Кўзингда поёнсиз умримни кўрдим,
Сенсиз бир лаҳзанинг ўтмоги душвор.

1987

СОБИТЛИК

Үчиб бораётир қанчалар калом,
Не-не битиклар ҳам йўқдир, вассалом.
Дунёда фақат бир собит сухан бор:
У ўз фарзандингга ўзинг қўйган ном.

1987

КЎРДИМ

Соддадил одамни жуда кам кўрдим.
Борин ҳам шикаста, кўзин нам кўрдим.
Дунёда фирибгар кўп экан лекин,
Уларнинг барчасин шод-хуррам кўрдим.

1987

ЭЛ КЎЛЛАСА

Эл қўлласа, азизим, омон бўлсак, ажабмас.
Кўлламаса – ранг-рўйи сомон бўлсак, ажабмас.
Элни биздан кизганиб сўз айтгувчи зотлар бор,
Улар учун бир умр ёмон бўлсак, ажабмас.

1987

ГУРУХБОЗ

Биттә ўзи пашшани ҳам йиколмайди,
У жойга ҳам битта ўзи чиқолмайди.
Кайга борса атрофига шерик түплар,
Йўқолса ҳам битта ўзи йўқолмайди...

1987

БИР ВАҚТ БОШОҚ ЭДИМ

Бир вақт бошоқ эдим, кирларда ўсдим,
Сўнг яхлит дон бўлиб қўлингта тушдим...
Кейин-чи, ташладинг тегирмонга сен,
Кафтингда ун бўлиб турибман, дўстим.

1987

МАРД БЎЛСАНГ

Кадимдан бир гапни уктирас ҳаёт:
Мард бўлсанг, ўз тўғри йўлингдан қолма.
Ўладиган бўлсанг ўз гўрингда ёт,
Бировнинг мозорин эгаллаб олма.

1987

ТААССУРОТ

Табиат кимга күп ё оз берибди,
Кимгадир халачүп ё соз берибди.
Во ажаб, мана бу машисөк гадойга
Тенги йүк шохона овоз берибди.

1987

ХАР ГАЛ АЙЁМЛАРНИ...

Хар гал айёмларни айларман тавоб,
Гарчанд бири моддий, ўзгаси сароб.
Шүрлик она замин бирликка зор-ку,
Унга талпиниш ҳам, демак, зүр савоб!

1987

ОҚШОМДАН БОШЛАНГАЙ...

Оқшомдан бошлангай одатда тонглар,
Сукутдан узилгай гулдурос, бонглар.
Бонинг букма сира, хокисор банда,
Эрга рухинг топтай олий оханглар.

1987

ҚУШ ТИЛИ

1

Бўрон, сен шам узра гувлайверма, бас,
Арслондек ўкириб чекаверма сас.
Шамини ўчирмоқлик жуда ҳам осон,
Унга етар битта “шуф” деган нафас.

2

Феълини кузатиб содда боламнинг,
Ташвишин ўйлайман чигал оламнинг.
Соддалик яхши-ку, лекин кўпинча
Иши юришаркан китмир одамнинг.

3

Кушларнинг тилида факат бир оят,
У инсон учун ҳам ибратдир ғоят.
Кушлар дер: –Илойим, қафасга тушма,
Тушган бўлсанг агар чиққил ниҳоят.

4

Бир ҳазил тўқидим бугун сенга деб,
Чакалоқ йиглайди нега “инга” деб.
“Инга-инга”сининг маъноси шулки,
Даъво қилаёттир “менга”, “менга” деб.

5

Майлига, ракибинг бўлсин ҳар нима,
Ҳеч замон сен унинг ғамини ема.
Унга ҳар балони раво кўрсанг ҳам,
Тилингни суғуриб оламан дема.

6

Назар сол хаттоки етти кат ерга,
Киёс топилгайдир ўтган умрга:
Олтинга айланган яхшилар хоки,
Ёмонники эса кора кўмирга.

7

Бир доно базмининг гувохи бўлдим,
Шодумон даврада ўйнадим, қулдим.
Базмининг боисин сўрасам, деди:
-Бугун мен нодондан кочиб кутулдим.

8

Абдулла Қодирийга

Азалий ҳак тапни янтирмок нечун,
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оlamни янчса ҳам, колтай у бутун.

Эски алифбони дилга қилсанг жо,
 Мана бу хикматни унутма асло:
 Эгри ниятнию ювуксиз күлни
 Сира ёктирмайди ўша алифбо.

Халқим деб югурап ҳовучлаб жонин,
 Халқига бағишилар шұхратин-шонин.
 Лекин шу чошишда кета-кеттүнчә,
 Тозалаб боради халқнинг ҳамәнин.

1988

ТУРФА ТҮЙГУЛАРНИ...

Турфа түйгүларни хүш күрдим өоят,
Дунёнинг ўзи ҳам рангин ниҳоят!
Боқма ажабланыб сатрларимга,
Бахтим ривоятдир, ғамим хикоят...

1990

ДУНЁ ЙҮРИГИ

Дунёнинг ғалати йүригига бок,
Кимга айш ташнаю кимга дор мушток.
Лекин ҳаммасидан маъно биттадир:
Курбон олдин кетар, жаллод кейинпро.

1991

ШУДГОРДА...

Шудгорда қарғалар тёдасин күрсанг,
Сира ажабланма, бўлма ханг манг.
Сен ерни ағдариб, шудгор килган чоғ
Юзага чиққанди курту чувалчанг.

1991

ИККИ МУСУЛМОН

Эҳром кийиб олган икки мусулмон
Бир-бирин сүкишиб чой талашарди.
Асли билмасдилар, шу зум икковлон
Дўзахнинг тубидан жой талашарди.

1992

АДАША-АДАША

Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.
Адаша-адаша Маккани топдинг,
Энди адашсанг гар қайга боргайсан.

1992

ҚУЛ ВА ҚҮЁШ

Демасман, зулматда мудом фарёд қил,
Ҳиммат нури билан дилни обод қил.
Расулуллоҳ демиш: – Ошма ҳаддингдан,
Қуёш тутилганда қулни озод қил!

1992

ХАЛҚНИ АСРАСАНГ

Хеч кимса девор билан ажралғанмас оламдан,
Вужудингта тутащдир тегрангдати шу хилқат.
Яхшилик күл хаммага, қайтажак ўзинги хам,
Сен ўзингни асрайсан халқни асрасанг факат.

1992

ШЕЪР, ФАРЗАНД...

Шеър, Фарзанд, Яхшилик – мисли полапон,
Тарқалиб кетдилар хаммаси хар ён.
Оlamда қанчаки ёмонлик бўлса,
Ёпирилиб келдилар бари мен томон.

1992

ОДАМИЙЛИК

Бир кун тўкин бўлар юпка дастурхон,
Зарбоф бўлмаса хам кийгайсан чопон,
Лекин одамликни унутар бўлсанг,
Уларнинг барчаси хайф сенга, инсон!

1992

ХАҚ СЕВГАЙ

Хак севгай ўзига ёр бандаларни,
Дилида иймони бор бандаларни.
Такаббур бопларни пастроққа эгса,
Юксакка күтартгай хор бандаларни.

1992

ПАЙДО БҮЛГАНИДА...

Пайдо бүлганида замин ва замон,
Аввал яралгандир дараҳт ва ҳайвон.
Бул икки соддани алдамок учун
Ақжинни пеш килиб чиккан сүнг Инсон.

1994

БИР ЙҮЛ ЧЕККАСИДА...

Бир йўл чеккасида ётибман нолон,
Чорасиз бўлсам-да, мен ҳам тирик жон.
Устимга отингни сояси тушди,
Жиловини нари тортсанг-чи, нодон.

1994

БАЛКИ ЧАМАН БҮЛАР...

Балки чаман булар дашти Карбало,
Балки, бехищт мавжуд юлдузлар аро.
Менинг Ўзбекистон – Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълорок, аъло!

1994

БОЗОР ИҚТИСОДИ

Шеърим, айтган сўзим, ба ҳукми замон,
Таркалиб кетдилар ҳаммаси ҳар ён.
Калбларда тинч-тотув яшарми улар.
Бозор иқтисоди билан ёнма-ён.

1994

АЧИНМА

Ачинма шоирга хорлиги учун.
Ёки парча нонга зорлиги учун.
Билиб қўй, аслида яшайди шоир,
Дунёда мухаббат борлиги учун.

1994

ДАСТАУАРДЫН АЛЫРДЫН СИМБОЛЫ

АМУДАРЁГА

Кимлигимни билар эдим озрок,
Билар эдим суюклигимни.
Амударёни күрганда бирок
Билиб колдим буюклигимни.

1995

ЭЗГУЛИК ПОСБОНИ

Дүстим, Ҳақ деганиң құллагын факат,
Парвоз қиласа – осмони бўлгил.
Ёвузликка қарпи қуратинг кўрсат,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

1996

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ДЕНГИЗ ЎЗИНГИЗ

1

Аллоҳим қайда деб бермагил сўрок,
Яхлиси, мана бу манзарага бок:
Қозоннинг ичиди оташин тафт бор,
Оловнинг ўзини кўрмассан бирок.

2

Билмасдан биронни ранжитма, болам,
Билмасдан биронни мактамагин хам.
Гулчанинг бағри кон дейди шоирлар,
Бирок очилганда пе чоғлик кўркам.

3

Эй инсон, назар сол ўнгу сўлингта,
Муносиб баҳо бер ушбу йўлингта:
Молни бўкиртириб сўясан, аммо
Ўкрайсан, зирапча кирса қўлингта!

4

Жаинат дер: –Хуш келдинг, эй қарам аҳли,
Аъроф дер: –Сабр қил, эй алам аҳли.
Бу ерда ҳеч банда жавобсиз қолмас,
Дўзах дер: –Ён энди, муттаҳам аҳли.

5

Ҳис этиб дунёнинг шодлигин, ғамин,
Улуғ бир ҳикматга бўлганман амин:
Яхшию ёмонни кўтараркан тенг,
Шу боис, она деб ном олмиш замин.

6

Ўзбегим, муносиб посбонларинг бор,
Сарҳадларда пўлат қалқонларинг бор.
Сен улут Темурнинг зурёдидирсан,
Мангуберди каби ўғлонларинг бор.

7

Халқимнинг истиқлол аҳди мангудир,
Буюк давлатимнинг тахти мангудир.
Келажак кўзимиз қароги бўлса,
Жажжи фарзандларнинг баҳти мангудир.

8

Эй Ажал, мен сендан кўрқмасман ҳеч ҳам,
Рўбарў келмоққа тайёрман ҳар дам.
Сабаби биттадир, сабаби битта:
Сенга дуч келдилар Отам ва Онам!

9

Тикланиш бир ёнда, нурапи бир ёнда,
Жавоб бир ёндаю сўраш бир ёнда.
Бу кўхна дунёни тинч кўрмадим ҳеч,
Ахиллик бир ёнда, кураш бир ёнда.

10

—Афсус, жахонаро денгизимиз йўқ...
Гоҳо ўқинч билан янграр сўзингиз.
Лекин, Ислом ака, менинг кўнглим тўқ:
Ўзбекистон учун денгиз ўзингиз!

1998

УРИНМА, БОЛАКАЙ

Уринма, болакай, уринма, ҳарчанд
Бағрингни мен каби тиғлай олмассан.
Мен каби кувониб, куларсан гарчанд,
Лекин мен сингари йиғлай олмассан.

1998

МУКОФОТ

Күлу тўқайларда юради лайлак,
Полапонлар ризқин теради лайлак.
Полапонлар эса оғзини очиб,
Ўйлайди, мукофот беради лайлак.

1998 йил

САБОК

Мана бу ҳикматга, дўстим, сол қулоқ,
Балки сену менга бўлгай бир сабок.
Посбоннинг қовоғи уйилган булса,
Хатто жаннатга ҳам тортмайди оёқ.

2000 йил, 4 декабрь

СҮЗ

Сүз асли пайғамбар,
У боис балки
Одамзот таниган ўз Ҳудойини.
Эриган темирнинг томчиси каби
Ўртаб юборар у теккан жойини.

2001 йил, декабрь

ДҮСТЛИК

Биз битта дарахтнинг шоҳчаларимиз,
Бир боғнинг туташган боғчаларимиз.
Замин коинотда бир тоғ бўлса, биз –
Бир-бирин суюган тогчаларимиз.

2002 йил, 13 январь

НАВОЙИ

Абадият билан кай сўз эгизак,
Балки яхши орзу, яхни ниятдир?
Мангалик англанар Навоий десак,
Навоийнинг ўзи Абадиятдир.

2001 йил, 6 февраль

СИЗНИНГ БОРЛИГИНГИЗ...

Мавжудлигим балки ўзимга керак,
Тахтим оиласминг балки тахтидир.
Ислом ака, Сиз бор – биз голиб бешак,
Сизнинг борлигингиз халқнинг баҳтидир.

2001 йил, 22 марта

УСТОЗ

Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдишар, устоздир, устоз бегумон.
Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган Инсон.

2002 йил, август

МУТОЙИБА

Дунё кенг, шаталоқ отиш мумкиндир,
Ёки ҳарсангтошдай ётиш мумкиндир.
Эсиргағ айтгандек, ҳақиқий дўстни
Сотиб олиб бўлмас, сотиш мумкиндир.

2002 йил, сентябрь

ШЕЪР

Тўй кил, ошингта ҳам шеър ёзилгайдир,
Тўлган ёшингта ҳам шеър ёзилгайдир.
Сен шеърга беписанд бокма, эй нодон,
Ўлсанг тошингта ҳам шеър ёзилгайдир.

2002 йил, сентябрь

МУАЛЛИМ

Шоирга дедилар:
— Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоклар, ҳамма танийди.
Шоир жавоб қилди:
— Менда бир армон:
Муаллим десалар мени қанийди!

2002 йил, сентябрь

ОМАД

Шогирд хитоб қилди устозга караб:
— Омадим келмади сира, во ажаб!
Устоз жавоб қилди: — Сиз кўп, омад оз,
Ҳаммага етмайди омад. Шу сабаб.

2002 йил, 1 октябрь

ҮГИТ

Мана, ўтиб олдинг асал ойидан,
Энди сув ичгайсан турмуш сойидан.
Етти ўлчаб бир кес, етмиш ўлчаб кес,
Лекин кес Ёшуулли айтган жойидан.

2002 ыил, 1 октябрь

САВОБ

Савобдир, жилгага сойсан, деб айтсанг,
Ё хунук аёлга ойсан, деб айтсанг.
Бойни камбағал де, хурсанд бўлади,
Камбағалга эса бойсан, деб айтсанг.

2002 ыил, 10 октября

ЖАННАТ

Кўзларинг тубидан тоғдим мен макон.
Киприкларинг бўлди панжарасимон.
Бул ажиб жаннатга ноил бўлганинг
Ҳаққига лабларинг ўкирди Куръон.

2002 ыил, 12 октября

АРМОН

Бир дўстим дер эди: – Гарчи қорним тўк,
Бир инсон умрини яшадим тўлик.
Кўрдим бойликни ҳам, мартабани ҳам,
Лекин ўз уйимда кун кўрганим йўк.

2002 йил, 12 октябрь

ИНСОН

Биринг юлдузларни кўзлайсан, Инсон,
Биринг мангуликка битасан достон.
Биринг тор кўчага номим кўяй деб,
Елиб-югурасан эрта-кеч сарсон.

2002 йил, 14 октября

ХАЛҚ

Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,
Томчи йигилмаса жом ҳам тўлмайди.
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,
Халқ ўлмас, томчи ҳам, демак, ўлмайди.

2002 йил, 16 октября

ҚАДР

Яхшиларни ўтқиз үйнинг тўрига,
Тан бер инсонларнинг асл – зўрига.
Ва лекин ҳеч қачон топшира кўрма
Донони нодонга, қўйни бўрига.

2002 йил, 21 октябрь

ХУСУМАТ

Кўролмасанг биронни сувига банд бергайсан,
Захар солиб ошига, ёвига қанд бергайсан.
Кўролмасанг подшоҳни камситгайсан юртин ҳам,
Чавандозни кўролмай отига панд бергайсан!

2002 йил, 21 октябрь

ҚИЁФА

Кўрингай дунё бор қиёфасида:
Гоҳ сичқон, гоҳи мор қиёфасида.
Азройил дер эмини! – Мен эса баъзан
Кўрингум шифокор қиёфасида.

2002 йил, 27 октябрь

ХУРСАНДЧИЛИК

Одам күчди бир күн Шайтон – жононни,
Бу ҳол хурсанд қылди ҳар икковлонни.
Шайтон дер: – Одамни йўлдан урдим-ку,
Одам дер: – Кўрмовдим фақат шайтонни.

2002 йил, 28 октябрь

АФАНДИ

- Кўй етаклаб ўтди-ку бирор,
- Менга нима, деди Афанди.
- Сизникига караб кетдиёв,
- Сенга нима, деди Афанди.

2002 йил, 28 октябрь

ШАЙТОН

Шайтон – шайтон эди, текканди жонга,
Одам Ато тутиб тикиди козонга.
Сўнг роса қовурди, еб ҳам тугатди,
Шайтон шод, кирганди у энди конга!

2002 йил, 30 октябрь

ВАКТ

Сув келаётир, дейди битта набирам,
Сув кетаётир, дейди бошқаси шу дам.
Мен улар фикрига бир сўз демадим,
Чунки ҳак, эди-да иккаласи ҳам.

2002 йил, 31 октябрь

ОҚСАРОЙ

Қанча жаҳонгирлар изсиз йўқолди.
Мозий барчасини бағрига олди.
Нияти оқ экан Соҳибқироннинг,
Ундан мангу ёдгор – Оқсарой қолди.

2002 йил, 1 ноябрь

ЭПИГРАММА

У ҳамма-хамманинг теккан жонига,
Заккум сингиб кетган буткул конига.
Ундан ҳазар килар ҳатто ажал ҳам.
Чақирса кучук ҳам келмас ёнига.

2002 йил, 12 ноября

ЁЛГОН

Аввал хилол бўлиб кўринди Ёлғон,
Сўнгра кулоч ёзди улкан ёйсимон.
Роса кучга кириб тўлин ой бўлгач,
Дунёни Ёлғон деб айлади эълон.

2002 йил, 14 ноябрь

ЛАЙЛА ТУЛ-ҚАДР

Қадр кечасида жами мусулмон
Аллоҳ неъматига кўз тикар гирён.
Хар иили бир бора юз берса ҳамки,
Мен уни кутгайман ҳар тун нигорон.

2002 йил, 2 декабрь

ЖУМБОК

Қадим донишмандлар демишилар бундок:
– Уч одамнинг бири Хизр эрур, бок.
Мен-ку ишонаман, Хизрдир бири.
Колган иккови ким? Буниси жумбок!

2002 йил, 2 декабрь

СӨВФА

Шамол эсар эди түхтамай кирдан,
Одам хам учарди илдамрок нурдан.
Сизга бир совғам бор дегандим, ажаб,
Улар иккиси ҳам түхтади бирдан!

2002 йил, 4 декабрь

ИЛТИЖО

Дунёдан ўтаркан улуг бир даҳо,
Худога сўнгти бор қилди илтижо:
– Мендан сўнг номимни бирор зурёдим
Пеш килиб юрмаса дейман, Илоҳо!

2002 йил, 20 декабрь

ТИЛАК

Тангрим, ҳар бандантга ўзинг кил шафқат,
Жисмига кувват бер, руҳига рағбат.
Ахир нималарни орзу қилмас у,
Фақат эзгуликка йўл бергин, фақат.

2002 йил, 31 декабрь

МЕХР

Майли, гўзалликка битайлик достон,
Майли, мухаббатга фидо бўлсин жон.
Лекин жиндек меҳр кўргазса ёринг,
Уларнинг баридан афзалдир, ишон!

2003 йил, 6 январь

ДАТЬВО

Бир шапалоқ урди гадони гадо,
– Исмим Худо, – деди, – қилабер даъво.
Даъвогар қозига дод солиб борди:
– Мени Худо урди, урди-ку Худо!

2003 йил, 6 январь

ДУНЁ

Учрашди дунёнинг икки зўр пири,
Уларни қийнарди дунёнинг сири.
Бири йиглаб дерди: – Уни тушундим,
– Тушунмадим, – дея йигларди бири.

2003 йил, 10 январь

ПОСБОН

Ўғлим, ҳак деганин қўллагил факат,
Парвоз қиласа бўлса – осмони бўлгил.
Ёвузликка қарши қудратинг кўрсат,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгил.

2003 йил, 14 январь

СЎҚМОК

Сўқмокка беписанд боқма, эй ўғлон,
Ажина йўли деб килмагил гумон.
Наинки шоқоллар ўтгайдир бундан,
Арслон ҳам ўтгайдир тохи-гохи он.

2002 йил, 16 ноябрь

ДИАЛЕКТИКА

Хар иш бир-бирига боғлик туюлгай,
Агар ерни ўйсанг – тупрок уюлгай.
Сенинг қовоғингдан кор ёғса агар,
Менинг кўзларимдан ёмғир куюлгай.

2003 йил, 20 январь

КАРЗ

Дилингга жойлаб ол ушбу қаломни:
Вактида узиб күй қарзу саломни.
Токи, ажринг сүраб боланг бир умр
Етаклаб юрмасин домла имомни.

2003 йил, 23 январь

КАРОМАТ

Кудукла сув азиз, тандирда-чи – нон,
Тоғларнинг бисоти неча-неча кон.
Бел боғлаб майдонга чикдингми, энди
Сен ҳам бир каромат кўрсат, эй ўғлон!

2003 йил, 24 январь

БУЮКЛИК

Тавоб қил, майлига, яхшилар изин,
Лекин, ет қадрига буюклик сўзин.
Кимнидир элу юрт бошга кўтаргай,
Буюклар кўтаргай эл-юртнинг ўзин!

2003 йил, 29 январь

ХИКМАТ

Шундоқ ҳикмат билан гүзалдир ҳаёт:
Хар кимга нияти бўлгайдир қанот.
Мехру муҳаббатга лойикдир асли –
Мехру муҳаббатни қадрлаган зот!

2003 йил, 20 январь

ИСМ

Исмда нима айб,
Бир аравакаш
Болаларини йигиб, койирди яккаш:
Одам бўлмадинг-а, Шоҳжон ўғлим,
Комрон бекорчисан, Хумоюн саркаш.

2003 йил, 15 февраль

НУСХА

Кайси жойда кўрсатмасин қорасини,
Бузади у одамларнинг орасини.
Қочгандан ҳам бир нимани юлиб олар.
Кувгандан ҳам талаб қиласини.

2003 йил, 15 февраль

БИЗ

Матлаб бир бўлмаса – жам бўлмагаймиз,
Жам бўлсак – бопнимиз ҳам бўлмагаймиз.
Жам қилсак инсофу диёнатни ҳам,
Дунёда хеч кимдан кам бўлмагаймиз.

2003 йил, 17 февраль

ШИКОЯТ

Битта сўзинг билан дунёлар бунёд,
Битта ишорангдан ҳаммаси барбод.
Эътибор қилмадинг факат Ўзингга,
Сенга боғлик дил ҳам бўлмади обод.

2003 йил, 2 март

ПАСТНАЗАР

Баланд бўлса ҳамки мартабанг магар,
Сен элнинг наздида тубан, пастназар.
Кўрсанг бир тангани, жондан ҳам кечиб,
Пиёда кетгайсан Хиротга қадар.

2003 йил, 2 март

АЁЛ

Кимдир бир юмушдан юзини бурди,
Кимдир ваъда берди, ким хаёл сурди.
Аёлни улуғлаш навбати етгач,
Хамма «лаббай» дэя ўрнидан турди.

2003 йил, март

ОНА

Бир умр ахтардим самимиятни
Ва уни оналар кўзида кўрдим.
Учратай дегандим абадиятни,
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим.

2003 йил, март

ОЛДИНГИ Дафтарлардан

ҚАЙРАФОЧ

Ассалом, азизим, қайрағоч оға,
Балки мен жиянман, сен менга тоға.

Фарқимиз биттадир: Сенинг тилинг йўк,
Юрарга оёғинг, кетар йўлинг йўк.

Лекин баҳтлидирсан, соя солурсан,
Бахра олганлардан дуо олурсан.

Тоғажон, менинг-чи, аҳволим мушкул,
Мендан паноҳ топган қарғайди нукул,

Битта илтимос бор: ўрин алмашсак,
Мен ҳам дараҳт каби яшасам андак.

Сен-чи, бу дунёга инсон бўлиб бок,
Майли, бир кун мени ўтин қилиб ёқ.

1981

* * *

Бирин-кетин ўтиб борар
асрларнинг карвошлари,

Оҳ, нечоғлик хатарлидир
унинг ошар довонлари.

Ипсон зоти муродига
азал-абад етар эди,

Ушалса гар умидвор зот –
Навоийнинг армонлари!

Фурсат келди, дўсту ғаним
кимлигини билай бу кун,

Жамъи башар фарзандига
саодатлар тилай бу кун,

Кўкка бокиб сахар чоги,
илтижолар киласай бу кун,

Нурга тўлсин азиз бобом
Алишернинг маконлари.

1991 йил, сентябрь

УРУМЧИДА БАХОР

Урумчига нечун кечикдинг, баҳор,
Нега чечакларинг кеч очилмокда.
Нечун чинорларинг ёзмайди викор,
Нечун боғлар атри кеч сочилемокда.

Урумчи боғлари айлайди жавоб:
Меҳмоним, бир сирга айланг эътибор.
Энг улуг манзилни этгали тавоб
Пастдан юксакликка ўрлайди баҳор.

1991 йил, Урумчи.

МУРАББИЙ

Куллуг айта билиш мүмкинми Сизга,
Тойилган чөгимда туттан эй Одам!
Балки Акамдирсиз, балки Сиз Ўзга,
Балки Сиз хайрихоҳ бутун бир олам.

Балки мўъжазгина меним ҳаётим
Тушди бошингизга оқ тола бўлиб.
Рози бўлур эдим бир умр токим –
Шу ойдин шуylага кетсан йўгилиб.

Мен ҳам англайдурман – Ҳаёт бу нима,
Яхшилик, разолат, ўкинч ҳам савоб.
Хайҳот, бу оламда камдир биргина
Яхшилик аталган туйғу бир ноёб.

Сокин кўчаларда кезаман шодон,
Хушбаҳтмен, билмайман кимдан? Ва нега?
Оҳ, нечоғ фараҳли экан бу осмон!
Инсонмен, раҳматим айтурман Сента...

1990

МУНДАРИЖА

Шоир юраги	3
Ўзбекистон асри	5
Ўзбекмаш	7
Буюк китоб	8
Бир карасам	9
«Дейдилар: –Чакнаган қайси юрт эрур...»	10
Озод республикам	11
Йўлтўсар	12
Икки шоир	13
Жазо топкусидир	14
Ажрим	15
Олий неъмат	16
Гулливер	18
Надомат	19
Туш	20
«Сталион гувлайди..»	21
«Меъмор умр бўйи..»	22
Мен факат	23
Актёр	24
Йўклов	25
Сирли олам	26
Ўтич	28
Қадаҳ	29
Наврўз	30
Хамма гап шунда..	31
Ватан учун яшайлик	32
Саҳарлик	33
Жонибек	34
Огоҳлик	35
Ота ва бола	35

Сайёхлар	36
Кўмиқ билан сұхбат	37
Севиштаглар	38
Ватаюш	39
Эътироф	40
«Мұхабbat хисепи...»	41
Бу йўлар	42
Ёзгин. дедилар	43
Термизим	44
Универсиада	45
Сальятим	46
Чала иморат	47
Яхши одам	48
Жаннат қуши	49
Зиёрат	50
Илтижо	51
Осон эмас	52
Ривоят	53
Кўмсан	54
Тошкентим	55
«Тошкентим, Тошкентим...»	56
Ўп биринчи дур	57
Ғалати мантқиқ	58
Бўлдило	60
Адолат кўзгуси	61
Юлаач	62
Оллоҳинг ишлари	63
Яхнилиқ	64
Томчи йигилмаса жом ҳам тўлмайди	65
Олдинги дафтарлардан	105
Кайраюч	105
«Бирин-кетин ўтиб борар...»	106
Урумчида баҳор	107
Мурраббий	108

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ШОИР ЮРАГИ

Тошкент «Маънавият» 2003

Мухаррир У. Кўчкор

Рассом А. Мамажонов


Техн. мухаррир Г. Золотилова

Мусаххих С. Абдулсаматова

Теришга 26.02.2003 й.да берилди. Босишига 07.03.2003 й.да руҳсат этилди. Бичими 70X90  Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 4.09. Шартли кр.-отт. 4,54. Нашр т. 2.46. 5000 нусха. Буюртма № К-9588. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюқ Турон, 41-уй. Шартнома 28-03.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигигининг Тошкент матббай комбинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. 2003.



0-68

Орипов, Абдулла.

Шоир юраги: Шеърлар. –Т.: «Маънавият»,
2003.–112 б.

ББК 84(5У)6-5